Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

"Madad Invest Bank" ATB
06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	**НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА**	
	Полное:	"Madad Invest Bank" aksiyadorlik tijorat banki
	Сокращенное:	"Madad Invest Bank" ATB
	Наименование биржевого тикера:	мавжуд эмас
2.	**КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ**	
	Местонахождение:	100077, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам, 6-тор кўчаси, 9-уй
	Почтовый адрес:	100077, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам, 6-тор кўчаси, 9-уй
	Адрес электронной почты:	info@madadinvestbank.uz
	Официальный веб-сайт:	www.madadinvestbank.uz
3.	**ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ**	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	годовое

Дата проведения собрания:	22.06.2023
Дата составления протокола собрания:	22.06.2023
Место проведения собрания:	Фарғона вилояти, Фарғона шахар, С.Темур кучаси, 71-уй
Кворум собрания:	92,35

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
2	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
3	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
4	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича Бошқарув ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0

5	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2022 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
6	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, жумладан бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда аудиторлик ташкилоти хулосасини тасдиқлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
7	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2016-2022 йиллар якуни буйича фойдасини тақсимлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
8	“Мадад Инвест Банк ”акциядорлик тижорат банки устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш ва қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
9	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
10	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0

12	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Бошқарув раисини тайинлаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
13	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг кундалик ҳўжалик фаолиятини юритиш жараёнида (жорий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ) аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни келгусида Банк томонидан мустақил амалга ошириш учун акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган (кутилаётган) битимларни аниқлаш ва маъқуллаш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0
14	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Бошқаруви тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.	100,0	18 470 800	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
1	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг саноқ комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда 2023 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар тасдиқлансин: 1) Мадрахимова Ферузахон Тўлқинжоновна – Бухгалтерия хисоби ва молиявий хисобот бўлими бош мутахассиси; 2) Турдиқулов Элдор Эркинжон ўғли - Амалиёт бошқармаси ўринбосари; 3) Ашуров Дилшод Шавкатович –Амалиёт бошқармаси Қува БХМ бошлиғи.

2	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг регламенти қуйидагича тасдиқлансин: - асосий масалалар бўйича маърузалар - 10 дақиқагача; - қўшимча маърузалар, мунозара ва мухокамалар учун - 15 дақиқагача; - саноқ комиссияси томонидан овоз бериш якунларини хисоблаб чиқилгунга қадар танаффус - 15 дақиқагача; - овоз бериш якунларини эълон қилиш ва йиғилишни якунлаш учун - 15 дақиқагача.
3	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгашининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.
4	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Бошқарувининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.
5	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2022 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси хисоботи (хулосаси) тасдиқлансин. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Тафтиш комиссиясининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.
6	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари (молиявий натижалари) тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда “Grant Thornton” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосаси тасдиқлансин. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2023 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Grant Thornton” МЧЖ аудиторлик ташкилоти белгилансин, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 350 000 000 (уч юз эллик миллион) сўм этиб белгилансин, шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) Банк Бошқаруви раиси О.Ю.Аширалиев зиммасига юклатилсин.

7	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2022 йил фаолияти якуни бўйича олинган 34 999 706 276 сўм 87 тийин соф фойдаси маълумот учун қабул қилинсин. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2022 йил фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдасининг 1 749 985 313 сўм 84 тийин ёки 5,0 фоиз миқдори умумий захира фондига йўналтирилсин ва 6 410 630 295 сўм 41 тийин ёки 18,32 фоиз миқдори тақсимланмай тақсимланмаган фойда ҳисобварағида қолдирилсин. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг 2016-2022 йиллар якуни бўйича олинган фойдасининг 52 631 578 947 сўм 37 тийин миқдори, жумладан 2016 йил якуни бўйича 47 268 735 сўм 53 тийин, 2017 йил якуни бўйича 1 918 807 065 сўм 73 тийин, 2018 йил якуни бўйича 4 242 804 343 сўм 92 тийин, 2019 йил якуни бўйича 14 392 348 852 сўм 47 тийин, 2020 йил якуни бўйича 1 379 669 424 сўм 02 тийин ва 2021 йил якуни бўйича 3 811 589 858 сўм 08 тийин тақсимланмаган фойдаси ҳамда 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасининг 26 839 090 667 сўм 62 тийин ёки 76,68 фоиз миқдори, шундан қонунчиликка мувофиқ солиқ солишдаги 2 631 578 947 сўм 37 тийин ёки 5 фоизидан тегишинча юридик шахс акциядорларининг дивиденд тарзидаги даромадлари бўйича фойда солиғини тўлов манбаида тўлашга ва жисмоний шахс акциядорларининг дивиденд тарзидаги даромадлари қонунчиликка мувофиқ даромад солиғидан озод этилганлиги инобатга олиниб уларга тўлаб беришга ҳамда 50 000 000 000 сўм устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришга акциядорларининг эгалик қилган акциялари сонига ва турига мутаносиб равишда йўналтирилсин.
8	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки устав капиталининг миқдори номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 10 000 000 (ўн миллион) дона умумий қиймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали, яъни тақсимланмаган фойдаси (2016-2021 йиллар якуни буйича тақсимланмаган фойдаси ва 2022 йил якуни бўйича соф фойдаси) ҳисобидан 100 000 000 000 (бир юз миллиард) сўмдан 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўмга етказилсин. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 10 000 000 (ўн миллион) дона умумий қиймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари ёпиқ обуна орқали муомалага чиқарилсин.

9	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 10 000 000 (ўн миллион) дона умумий қиймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қуйидагича белгилансин: 1) Чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5-кун (бешинчи кун) ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида кўрсатилган Банк акциядорлари ўртасида улар эгалик қилган акциялар сонига ва турига мутаносиб равишда 2:1 коэффициентда ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади; 2) Чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун давомида жойлаштирилади: - акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – ушбу акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 6-кун (олтинчи кун) ҳисобланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади; - акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан ошмаслиги лозим. 3) Чиқарилаётган акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида бирор бир фуқаролик-ҳуқуқий битим (шартнома) тузилмасдан жойлаштирилади. Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмайди; 4) Акциядорларнинг ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқи кўзда тутилмаган; 5) Чиқарилаётган акциялар номинал қиймати бўйича 5 000 (беш минг) сўмдан жойлаштирилади; 6) Акциялар учун тўловлар Банкнинг 2023 йил 1 январь ҳолатига ўз капитали, яъни тақсимланмаган фойдаси (2016-2021 йиллар якуни буйича тақсимланмаган фойдаси ва 2022 йил якуни бўйича соф фойдаси) ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар ўтказиш орқали амалга оширилади; 7) Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун тўланган маблағлар 10 (ўн) кун давомида қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар ўтказиш орқали тўлиқ қайтарилади.
10	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарори тасдиқлансин ва уни тасдиқланганлиги бўйича имзолаш ҳуқуқи йиғилиш раисига берилсин. Акциялар чиқарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.
11	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг Кузатув кенгаши аъзолари этиб қуйидагилар 3 (уч) йил муддатга 5 (нафар) аъзодан иборат таркибда қайта сайлансин: 1) Йўлдашев Мўминжон Шокиржонович, Банкнинг акцияларига эга эмас; 2) Арипов Камолджон Фазилович, “STROY MONTAJ INVEST” МЧЖ Бош ҳисобчиси, Банкнинг 10 400 дона акцияларига эга; 3) Маннонов Ғайратжон Ғуломжонович, “GMG REALWAY” МЧЖ Молия-иқтисод масалалари бўйича маслаҳатчиси, Банкнинг акцияларига эга эмас; 4) Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич, Қўқон университети ректори, Банкнинг акцияларига эга эмас; 5) Нишонов Сардорбек Расулович, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Жамғармасини бошқариш Департаменти Тушумлар прогнози ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини молиялаштириш бўлими бош мутахассиси, Банкнинг акцияларига эга эмас.

12	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Бошкарув раиси лавозимида ишлаб келаётган О.Ю.Аширалиев Бошқарув раиси этиб 3 (уч) йил муддатга муддатидан илгари ваколатларини тугатиш ва шартномани бекор қилиш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши мумкинлиги шарти билан тайинлансин. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Бошқарув раиси О.Ю.Аширалиев билан лавозимга тайинлаш тўғрисида шартномани (меҳнат шартномасини) тузиш ва имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раиси М.Ш.Йўлдашевга юклатилсин.
13	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида (жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ) аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни келгусида Банк (Банк Бошқаруви) томонидан мустақил амалга ошириши учун акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган (кутилаётган) битимлар маъқулансин.
14	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкининг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Бошқаруви тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин ва тасдиқлансин.

Начисленные и выплаченные вознаграждения и (или) компенсации в пользу членов исполнительного органа, наблюдательного совета и ревизионной комиссии эмитента:***

№	Ф.И.О.	Наименование органа эмитента, членом которого является лицо	Вид выплаты (вознаграждения и (или) компенсация)	Начисленная сумма (сум)	Период, за который начислены средства	Документ, в котором предусмотрена выплата
1	Йўлдашев Мўминжон Шокиржонович	Кузатув кенгаши	Ҳақ	44 000 000	2023 йил январь-май	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил 17 ноябрдаги 10-сонли баённомаси
2	Арипов Камолджон Фазилович	Кузатув кенгаши	Ҳақ	20 000 000	2023 йил январь-май	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил 17 ноябрдаги 10-сонли баённомаси

3	Маннонов Ғайратжон Ғуломжонович	Кузатув кенгаши	Ҳақ	20 000 000	2023 йил январь-май	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил 17 ноябрдаги 10-сонли баённомаси
4	Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич	Кузатув кенгаши	Ҳақ	20 000 000	2023 йил январь-май	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил 17 ноябрдаги 10-сонли баённомаси
5	Нишонов Сардорбек Расулович	Кузатув кенгаши	Ҳақ	20 000 000	2023 йил январь-май	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2021 йил 17 ноябрдаги 10-сонли баённомаси

Избрание членов наблюдательного совета:					
Информация о кандидатах:					Количество голосов:
№	Ф.И.О.	место работы	принадлежащие им акции		
			количество	тип	
1	Йўлдашев Мўминжон Шокиржонович	“Баходир Лоғон Текстил” МЧЖ ҚК, Директор ўринбосари	0		18 470 800
2	Арипов Камолджон Фазилович	“STROY MONTAJ INVEST” МЧЖ, Бош ҳисобчи	10 400	простая	18 470 800
3	Маннонов Ғайратжон Ғуломжонович	“GMG REALWAY” МЧЖ, Молия-иқтисод масалалари бўйича маслаҳатчи	0		18 470 800

4	Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич	Қўқон университети, Ректор	0		18 470 800
5	Нишонов Сардорбек Расулович	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Жамғармасини бошқариш Департаменти, Бош мутахассис	0		18 470 800

Текст вносимых изменений и (или) дополнений в устав	мавжуд эмас

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	О.Ю.Аширалиев
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Н.Ш.Муйдинов
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Р.М.Тиллаволдихужаев

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента

Источник: https://openinfo.uz/facts/6/9525
Дата: 25.07.2023